



2021 йил 17-декабр

## **“Навоийазот” АЖ негизида азот кислотаси ишлаб чиқариш” лойиҳа**

**Лойиҳани асоси:** Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 апрелдаги “Навоийазот” АЖ негизида азот кислотасини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2521-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилди.

**Лойиҳанинг мақсади:** Мавжуд эски (1965 йил) азот кислотаси **1-2 навбатларини** эксплуатациядан чиқариб ўрнига **500 минг тонна** (шундан 480 минг тоннаси 600 минг тонна аммиакли селитра ишлаб чиқаришга ва 20 минг тоннаси – ДУК “Навоий ТМК”га юборилади) янги азот кислотаси ишлаб чиқаришини барпо этиш.

**Лойиҳани қуввати:** **500 минг тонна** азот кислотаси.

**Лойиҳани амалга оширишдан эришилган натижалар:** Лойиҳани амалга ошириш натижасида **27,6 млн. долл.** миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини **32 фоизга** ёки 121,0 АҚШ долларида (1 ва 2-навбат эски ишлаб чиқаришда) 91,81 долларгача пасайтирилди.

**Яратиладиган янги иш ўрни** – **122 та.**

**Лойиҳа қиймати:** **216, 6 млн. долл.**

**Молиялаштириш манбалари:** “Навоийазот” АЖ маблағлари – **28,3 млн. долл.**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити – **72,65 млн. долл.**, хорижий банклар “Commerz Bank” (Германия), “Kredit Suisse” (Швейтсария) консортсиуми, “УзСҚБ” банки томонидан Ҳукумат кафолати билан қайта молиялаштириладиган кредитлар – **115,62 млн. долларни** ташкил этади.

Қурилиш-монтаж ишларига харажатлар – 41,1 млн. долл.;

– ускуналар сотиб олишга – 131,4 млн. долл.;

– бошқа харажатлар (лойиҳалаш, молиявий харажатлар ва дастлабки айланма капитал ва бошқалар) – 44,1 млн. долл.

**Бугунги кундаги хорижий валютадаги қарздорлик миқдори:** **91,7 млн. долл.**

**Лойиҳа ишга туширилган сана:** **2020 йил декабрь.**

**Жойлаштириш жойи:** Навоий вилояти, Навоий шаҳри, «Навоийазот» АЖ.

**Бош пудратчи:** Швейцариянинг “CASALE SA” компанияси.

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/external-debt/azot>